# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 25 (8765) ● 1986 йил 1 февраль, шанба ● Баҳоси 4 тийин.


## КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Қарорда матлубот кооперациясининг ташкилотлари ва корхоналари аҳолига савдо хизматини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини харид қилиш ҳамда қайта ишлашни кенгайтириш соҳасида муайян ишларни амалга ошираётганликлари қайд этиб ўтилади. СССР Озиқ-овқат программасини бажаришда, қишлоқни социал ва маданий жиҳатдан қайта қуриш масалаларини ҳал этишда улар кўпроқ қатнашадиган бўлиб қолишди.

Аммо матлубот кооперацияси кўпгина ташкилотлари ва корхоналарининг фаолияти КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларининг вазифалари ҳамда талабларига, қишлоқ меҳнаткашларининг ошиб кетган талаб-эҳтиёжларига ҳали мос жавоб бермаяпти. Бир неча йиллар мобайнида чакана товар обороти плани бажарилмаяпти,

(Давоми тўртинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди 31 январь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясининг ҳисоботлари юзасидан музокараларда: Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. МАМАРАСУЛОВ, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. СУЛТОНОВА, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. КУЧЕРСКИЙ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. САТИН, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси Р. ЧОРИЕВ, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. АЛИМОВА, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. ҚЎЧҚОРОВ, Ўзбекистон ССР маориф министри О. АББОСОВА, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. УМАРОВ, Ўзбекистон ССР прокурори А. В. БУТУРЛИН, Бухоро область Когон районидаги «Партия XXII съезди» совхози партия комитетининг секретари О. У. РАЖАБОВА, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. Т. ОДИЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси У. Р. УМАРБЕКОВ, «Джизаквodстрой» трести 5-механизациялашган кўчма колоннасининг экскаваторчиси Н. П. ЛАРИОНОВ, Андижон область Ленинск шаҳар маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг катта диспетчери З. ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекфильм» студиясининг актёри У. С. АЛИХЎЖАЕВ, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. ДАДАЖОНОВА сўзга чиқдилар.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишини қониқарли деб ҳисоблади ва унинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ва шундан кейинги пленумлари қарорларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини маъқуллади.

Съезд КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасини маъқуллади ва тегишли резолюция қабул қилди.

Съезд КПСС Уставига ўзгартишлар лойиҳасини маъқуллади ва шу масала юзасидан резолюция қабул қилди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлади.

Съездда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. ҚОДИРОВ «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. ОРИПЖОНОВ, Сирдарё область Гулистон районидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Д. С. НАЗАРОВА, Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Қ. Ғ. СОДИҚОВ, Фарғона область Ёзёвон районидаги «Правда» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи З. ЭРГАШЕВА, Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. ЛОЗИЦКИЙ сўзга чиқдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.




Съезд залида.

В. Молчаев ва Г. Ёкубов фотоси.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида Москва шаҳар партия ташкилоти XXVI конференцияси ишининг якунларини кўриб чиқди. Конференция юксак ташкилий ва сиёсий савияда, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг талаблари руҳида ишчанлик билан ўтганлиги, ишдаги камчилик ва нуқсонларга муросасиз бўлганлиги таъкидланди. Делегатлар кўпгина таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни айтдилар. Сиёсий бюро янгидан сайланган шаҳар партия комитети диққат-эътиборини партия иш услуби, форма ва методларини қатъиян қайта қуриш зарурлигига, хотиржамлик ва дабдабабозлик кўринишларини бартараф этишга жалб қилди. СССР Министрлар Советига, бошқа Иттифоқ ва республика органларига конференция қатнашчилари таклифларини амалга оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш борасида тегишли топшириқлар берилди. Шу тадбирларнинг бажарилиши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг доимий назоратида бўлади. Москва коммунистлари партиянинг Совет жамиятини жўшқин ривожлантириш йўлини амалга ошириш учун, КПСС-нинг бўлажак XXVII съезди қабул қиладиган қарорларни рўёбга чиқариш учун курашда бундан буён ҳам олдинги сафларда туришлари кераклиги таъкидланди.

Сиёсий бюро яқинлашиб келаётган кўкламги дала ишларига тайёргарликнинг бориши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. СССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларни, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини зарур моддий-техника ресурслари, юқори сифатли уруғлик, ўғит билан таъминлаш, машина-трактор паркини, мелиорация системаларини тайёрлашни ўз вақтида тугаллаш, хўжаликларни механизатор кадрлар билан тўла таъминлаш борасида кўриладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифлари маъқулланди. Қишлоқ хўжалик экинлари парвариши интенсив технологияларини, коллектив пудрат ва меҳнатни ташкил қилишнинг бошқа илғор формаларини янада кенг кўламда жорий этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бир қатор иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ва областлар партия ва совет органларининг 1986—1990 йилларда РСФСР Ноқоратупроқ зонасидаги агросаноат комплексининг корхоналари ва ташкилотлари учун оталиқ ёрдами тартибида уй-жойлар ҳамда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қуриб бериш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади-лар.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Италия Компартияси Бош секретари А. Натта билан суҳбати якунларини маъқуллади. Иккала партия қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва космосни ҳарбийлаштирмаслик учун, ядро уруши хавфининг олдини олиш ва ядро қуролини бутунлай тугатиш учун, умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш ҳамда СССР билан Италия ҳамкорлигини ривожлантириш учун ғайрат билан курашаверишга тайёрлиги суҳбатларда тасдиқланганлиги мамнуният билан қайд этилди. КПСС ИКП билан тинчлик ва социализм ишининг манфаатлари йўлида тенг ҳуқуқли, ўртоқлик муносабатларини ривожлантираверишга тайёрлиги таъкидланди.

Ўртоқ Э. А. Шеварднадзенинг Япония, КХДР ва МХР-га қилган визитлари тўғрисида берган ахбороти тингланди ва маъқулланди. Япониянинг сиёсат ва жамоат арбоблари билан ўтказилган суҳбатлар ва музокараларнинг якунлари Совет—Япония алоқаларини яхшилик сари силжитиш учун қулай шароитлар яратиб бериши қайд этилди. Совет Иттифоқининг Япония билан турли соҳаларда яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, сиёсий мулоқотни янада кенгайтириш борасида тутаётган принципиал йўли таъкидлаб ўтилди.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен билан, шунингдек КХДРнинг бошқа раҳбар арбоблари билан Пхеньянда олиб борилган музокаралар Совет—Корея дўстлигини мустаҳкамлаш ишига, халқаро майдонда СССР ва КХДР ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Совет Иттифоқи Корея меҳнат партияси билан КХДР ҳукуматининг жанубий Кореядан Америка қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши ва мамлакатни четдан аралашувсиз тинч демократик асосда бирлаштириш борасида тутган йўли билан ҳамиша бирдам эканлигини изҳор этади.

МХРП Марказий Комитети Бош секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ж. Батмунх билан, қардош мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан Улан-Баторда фикрлашиб олиш якунларидан мамнуният изҳор этилди. СССР билан МХР ўртасида марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига асосланган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари кенг тус олиб, иккала мамлакат халқларининг фаровонлиги, тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида барқарор ривожланиб бораётганлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия қурилишига, шунингдек Совет Иттифоқи билан социалистик ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлигини ривожлантиришга доир баъзи масалалар кўриб чиқилди.

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида*

## ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ 1985 ЙИЛ ҲАМДА ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ДАВЛАТ ПЛАНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнатчилари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришдилар. 1985 йилда ва ўн биринчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг янада ривожлантирилиши, унинг самарадорлигининг ўсиши, сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши таъминланди.

Саноатда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва маҳсулот кўпгина турларини ишлаб чиқариш бўйича план топшириқлари бажарилди. Янги йирик корхоналар ва социал-маданий объектлар ишга туширилди. Соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият янада ривож топди.

Шу билан бирга корхоналарнинг бир қанча меҳнат коллективлари, баъзи тармоқлар, областлар ва шаҳарлар 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини уддалай олмадилар. Ҳамма соҳаларда ҳам қолоқликни тугатишга муваффақ бўлинмади. Бу айниқса номенклатурадаги буюмлар ҳамда шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш планларининг бажарилишига тааллуқлидир. Ишлаб чиқариш қувватларини ҳамма жойда ҳам ўз вақтида ишга тушириш таъминланмади. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, материаллар, ёқилғи ва энергияни тежаш топшириқларининг бажарилмаслиги жиддий нуқсон бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини бажаришда юксак натижаларга эришиш учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар (шаҳардаги районлар), саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, фан, маданият, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар**:

Қуйидаги шаҳарлар мусобақа ғолиби, деб топилиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирлансин:

Қашқадарё области бўйича — Қарши шаҳри;

Навоий области бўйича — Учқудуқ шаҳри;

Наманган области бўйича — Наманган шаҳри.

Қуйидаги коллективлар мусобақа ғолиби, деб топилсин ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланиб, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика Ҳурмат тахтасига ёзилсин, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирлансин:

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Навоий кон-металлургия комбинати;

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «Ўзбекгеофизика» геофизика ишлари Ўзбекистон ишлаб чиқариш геология бирлашмаси;

(Давоми бешинчи бетда).

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети районлар, колхозлар, совхозлар, агросаноат комплексининг бошқа корхоналари ва ташкилотлари ўртасида 1985 йилда деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқиб қарор қилдилар:

Республика социалистик мусобақасида юксак пировард натижаларга эришганликлари ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш 1985 йилги давлат планини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидагилар ғолиб деб топилсин ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва пул мукофотлари билан тақдирлансин:

Наманган областининг Уйчи районы;

Наманган областининг Чортоқ районы;

Фарғона областининг Тошлоқ районы.

Иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги давлат планини ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги республика социалистик мусобақасида энг юқори ва барқарор кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидаги коллективлар ғолиб деб топилсин ҳамда мукофотлансин:

Қуйидаги колхозлар, совхозлар, агросаноат корхоналари, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа муассасаларнинг коллективларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари берилиб, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика Ҳурмат тахтасига ёзилсин ҳамда дипломлар ва пул мукофотлари топширилсин:

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРдан**

Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхози.

**АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН**

Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхози;

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Андижон область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси.

**ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН**

Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози.

**НАВОИЙ ОБЛАСТИДАН**

Нурота районидаги «Нурота» давлат наслчилик заводи.

**НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН**

Косонсой районидаги «Правда» колхози;

Наманган районидаги Охунбобоев номли колхоз;

Чортоқ районидаги «Москва» колхози;

Ўзбекистон ССР Госкомводстройининг «Наманганводстрой» тресті.

**САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН**

Жомбой районидаги «Коммунизм» колхози.

**СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН**

Гагарин районидаги «Пограничник» совхози.

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН**

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози;

Пискент районидаги Калинин номли колхоз;

Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникасининг Далварзин ремонт-механика заводи;

(Давоми бешинчи бетда).

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

(Боши учинчи бетда).

Геология-разведка ишлари кенг комплексини амалга ошириш, рангли, нодир ва асл металлар запасларини кўпайтириш, хом ашё ресурсларининг янги-янги конларини қидириб топиш ва разведка қилишни кучайтириш кўзда тутилади.

Минерал ўғит ишлаб чиқариш учдан бир баравар, сульфат кислота ишлаб чиқариш эса 34—36 процент кўпаяди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, пластмасса ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Оғир саноат ва ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари республика Министрлар Совети ва зиммасига ана шу соҳадаги иш топширилган Министрлар Совети Раиси ўринбосари В. И. Огарок бу вазифаларни ҳал этиш учун зўр ғайрат билан шуғулланишларини ва улар амалга оширилишига қатъият билан эришишларини талаб қилади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программасига биноан беш йилликнинг охирига бориб ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришни 7,2 миллиард сўмликка ёки 1985 йилдагига қараганда 1,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилади. Енгил саноат юксак суръатлар билан ривожлантирилади. Ип газлама ишлаб чиқариш 1,6 баравар, ички трикотаж 3,3 баравар, пойабзал 1,5 баравар, чинни идишлар ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпаяди. Болалар учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш қарийб 2 баравар, спорт товарлари ишлаб чиқариш 1,5 баравар ортади.

Андижон ип газлама комбинатида янги қувватларни ишга тушириш, Нукус шаҳрида комбинат қура бошлаш, тўқимачилик комбинатлари, пойабзал ва трикотаж фабрикаларининг филиалларини қуриш мўлжалланади. Бухоро тўқимачилик комбинати қурилиши тугалланади, Тошкент, Фарғона тўқимачилик комбинатлари, Тошкент ва Самарқанддаги чинни заводлари, бошқа бир қанча корхоналар реконструкция қилинади.

Мебель ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпаяди. Мамлакатдаги энг яхши корхоналарнинг тажрибасидан фойдаланиб, буюмларнинг энг замонавий турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш зарур.

Маҳаллий саноат янада ривожлантирилади. Тармоқ ходимлари хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларининг маҳаллий турларидан фойдаланишни қатъият билан кўпайтиришлари, касаначиликни кенгайтиришлари керак.

Оғир саноат, машинасозлик, приборсозлик ва радиоэлектроника саноати корхоналари аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришга янада активроқ киришишлари лозим. Бунинг учун товарлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар ва участкаларни ташкил этиш, буюмларнинг турларини такомиллаштириш, уларни харидоргир қилиш зарур.

Ўртоқлар! Асосий йўналишлар лойиҳасида **агросаноат комплексини ривожлантиришга**, партия ўртага қўйган Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга **катта эътибор берилган.** Қишлоқ хўжалигида барча тармоқларни муттасил ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш керак.

1990 йилда пахта толаси ишлаб чиқаришни 1,8—1,93 миллион тоннага етказиш мўлжалланади. Бунинг учун 5,8—6,0 миллион тонна пахта, шу жумладан 550 минг тонна ингичка толали пахта тайёрлаш талаб қилинади. Бунда машинада териб олинадиган ҳосил 70—75 процентни ташкил этиши лозим.

Дон етиштиришни 3,2—3,5 миллион тоннага етказиш, шу жумладан шоли етиштиришни 665 минг тоннага етказиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Хўжаликларни бундан буён ҳам ихтисослаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотлари—картошка етиштиришни 400 минг тоннага, сабзавот етиштиришни 3 миллион тоннага, полиз маҳсулотларини 1 миллион тоннага, мева етиштиришни 920 минг тоннага етказишга оид катта тадбирларни амалга ошириш мўлжалланади. Узум етиштириш қарийб 1,5 баравар кўпаяди, 1990 йилга бориб эса узум харид қилиш 750 минг тоннани ташкил этади. Узумзорларни реконструкция қилиб, хўраки ва майизбоп навларни етиштиришга алоҳида аҳамият берилади. Пиллачилик ва аграр секторнинг бошқа тармоқлари янада равнақ топади.

Совхозларни йириклаштиришга оид ишлар амалга оширилади.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Гўшт етиштиришни 1,5 баравар кўпайтириш ва беш йиллик охирига бориб уни 540—560 минг тоннага етказиш керак. Бунинг учун ем-хашак етиштиришни 20 миллион тонна озуқа бирлиги ҳажмида кўпайтириш талаб қилинади. Балиқ овлаш 33 минг тонна ёки 25 процент кўпайтирилади.

Агросаноат комплексининг маҳсулотни қайта ишловчи тармоқларини ривожлантириш соҳасида катта-катта вазифаларни ҳал этиш лозим. Бир қанча янги пахта тозалаш заводлари қурилади ва мавжуд корхоналар реконструкция қилинади. Мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 59 процент, қуруқ мева тайёрлаш 1,8 баравар ортади. Қисқа муддатларда вино-арақ маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган қувватларнинг катта қисмини мева ва узум шарбатлари ишлаб чиқаришга мослаштириш ва ана шундай шарбатлар тайёрлашни кўпайтириш лозим. Ўсимлик мойи, гўшт-сут ва маргарин маҳсулоти, нонбулка, кондитер ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортади. Тегирмончилик, омихта ем, микробиология саноати янада ривожлантирилади.

Ўн иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 16 миллиард сўм капитал маблағ ажратилади. Сарфланаётган маблағларнинг юксак самарадорлигига эришиш зарур. Амалда эса бу, сарфланадиган бир сўм капитал маблағ ўтган беш йилликдагига қараганда бир ярим баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаши зарурлигини билдиради.

Суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш зарур. Сув ресурслари тобора тақчиллиги сезилаётган шароитда **суғоришга мўлжалланган сувлардан** оқилона фойдаланиш тобора катта аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун анчагина резервлар бор. Булар маълум. Каналларни бетонлаштириш, суғориш системаларини қайта қуриш, суғориш техникасини такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

«Узгипроводхоз» институти бундан бир неча йил илгари «Ўзбекистон ССРда суғориш системаларини реконструкциялаш схемаси»ни ишлаб чиққан ва бу схемани СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг илмий-техника кенгаши маъқуллаган эди. Афсуски, кўп жиҳатдан иш схемадан нарига ўтмади. Ҳанузгача бу иш планли ва изчил бажарилмаяпти.

Республика Госплани, Давлат агросаноат комитети, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бу масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқиб, ўн иккинчи беш йилликда ва келгусида мазкур проблемани ҳал этишга оид конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур. Республика учун ғоят муҳим бўлган ана шу масалани ҳал этишда СССР Давлат агросаноат комитети ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бизга кўмаклашадилар ва қўллаб-қувватлайдилар, деб умид қиламиз.

Агротехника талабларига риоя этиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун принципиал, муҳим аҳамиятга эгадир. Биз ҳаммамиз ўртоқ М. С. Горбачевнинг қишлоқ хўжалигида пўлат ва чўян эритишдаги каби технология интизоми зарурлиги (озгина хатога йўл қўйилса, металлнинг сифати ўзгаради) тўғрисидаги йўл-йўриқларига ғоят қатъият билан амал қилишимиз зарур. Бунинг учун деҳқончилик маданиятини ҳар томонлама ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг роли ва масъулиятини зарур даражага кўтариш керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишини камайтириш ва уни сақлаш учун ғоят шошилинч чораларни амалга ошириш лозим. Қуйидаги маълумотлардан мазкур проблеманинг қанчалик ўткир эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Республикада мева-сабзавот маҳсулоти ва картошкани ташиш, сақлаш ва реализация қилиш вақтида ҳар йили 400 минг тоннагача маҳсулот нобуд бўлади. Омборлар билан 60 процент таъминланганлигига қарамай, уларни қуриш планлари бажарилмаяпти.

Республика Давлат агросаноат комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети озиқ-овқат, гўшт-сут саноати корхоналарини, сабзавот базаларини реконструкциялаш, совутиш иншоотларини қуриш соҳасида конкрет нималар қилиш лозимлигини аниқ белгилаб олишлари керак. Шу мақсадда саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг имкониятларидан янада актив фойдаланиш лозим.

Республика Давлат агросаноат комитети олдига қўйилган масъулиятли вазифалар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, унинг Давлат агросаноат комитетидаги ўринбосарлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг маҳсулотни қайта ишлайдиган саноат билан алоқасини кучайтириш масалаларини янада зўр ғайрат ва омилкорлик билан ҳал этишларини талаб қилади. Эскирган хўжалик юритиш механизмини қатъият билан ўзгартириш, иқтисодий методлардан кенг фойдаланиш, агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш керак.

Экономикада сифат жиҳатдан силжишга эришишда, **инвестиция сиёсатини** ўтказишда туб ўзгариш қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Республика халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 20 процент кўпаяди. Ўн иккинчи беш йиллик мобайнида қарийб 40 миллиард сўмлик ёки 1,3 баравар кўп асосий фондлар ишга туширилади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ривожлантириш учун мўлжалланган халқ хўжалиги асосий фондларини вужудга келтириш ва уларни жадал янгилаш, қурилиш корхоналарининг самарадорлигини тубдан ошириш капитал қурилишнинг асосий вазифасидир. Хўжалик механизмини такомиллаштириш, қурилиш-монтаж ташкилотларини йириклаштириш, бошқаришнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш бу соҳадаги муҳим омилдир.

Бир вақтнинг ўзида қурилаётган объектлар миқдори чекланади, объектлар қурилиши ва ишга туширилишининг норматив муддатларига қатъий риоя этилиши учун буюртмачилар ва пудратчилар олдига қўйилаётган талаб кучайтирилади, қурилишни индустрлаштириш ва қурилиш сифатини яхшилаш йўли изчил амалга оширилади.

Бинокорлик материаллари саноати янада равнақ топади. Цемент, деворбоп материаллар, шифер, сантехника асбоб-ускуналари, линолеум ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Республиканинг бинокорлик материалларига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш — Бинокорлик материаллари саноати министрлиги олдида турган энг муҳим вазифадир.

Лойиҳалаш ташкилотлари қурилиш ва лойиҳа ҳужжатларининг техника-иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини оширишлари лозим.

Яна бир ғоят муҳим масала тўғрисида гапиришни истардим. Госстрой, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Главташкентстрой Тошкентни реконструкциялаш ва қуриш соҳасидаги ишларнинг боришини батафсил таҳлил этишлари, бу ишни янада аниқ-пухта йўналишга солиб юборишлари керак. Шаҳарда қурилишлар кўп. Бироқ архитектура жиҳатидан таркиб топган, комплекс тарзда тугалланган территориялар аслида йўқ.

Транспорт ва алоқа барча турларини янада ривожлантиришга катта эътибор берилади. Тошкент метрополитени қурилиши давом эттирилади, авиасозлар шаҳарчаси ва Чорсугача линиялар ётқизиш тугалланади, Юнусобод массиви йўналишида ишлар бошланади.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов транспорт барча турларини ривожлантириш масалаларини қатъият билан ҳал этиши, транспорт ишини контрол қилиб туриши лозим.

Асосий йўналишларда социал ривожланишнинг, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишнинг кенг кўламли программаси таърифлаб берилган. Ишчилар, хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини, колхозчилар меҳнатларига тўланадиган ҳақни изчил кўпайтириб бориш кўзда тутилади. Сифатли ва унумли меҳнат учун ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш кучайтирилади.

Ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига болали оилаларга ёрдам кўпайтирилади, пенсия таъминоти, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароити яхшиланади. Меҳнат ва уруш ветеранлари, меҳнатга қобилиятсиз гражданлар ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш партия, совет ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим бурчидир.

Аҳолининг маиший хизмат хилма-хил турларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, уй-рўзғор ишларида меҳнат сарфини камайтириш ва уни енгиллаштириш, совет кишиларининг бўш вақтини кўпайтириш энг муҳим проблема бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Аҳолининг пул даромадлари кўпайишини ҳисобга олган ҳолда **чакана товар оборотини** 20 процент кўпайтириш мўлжалланади. Моллар билан савдо қилишнинг илғор формаларини янада кенг жорий этиш, харидор учун энг кўп даражада қулайлик яратиш зарур. Гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум, балиқ, сабзавот ва мева сотишни кўпайтириш ҳисобига аҳолининг овқатланиш структураси яхшиланади. Беш йиллик охирига бориб меҳнаткашларнинг иш жойларида умумий овқатланишга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилади.

Аҳолига кўрсатиладиган **маиший хизмат** ҳажмини 57 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Аҳолига қарашли автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш станцияларининг тармоқлари, квартираларни пардозлашни яхшилаш ҳамда турмушда қулайлик яратиш соҳасида хизмат кўрсатиш кенгайтирилади. Барча министрликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатишни анча кўпайтириш керак бўлади.

**Аҳолининг уй-жой шароитини** яхшилаш масалалари диққат марказида бўлади. Беш йиллик давомида бир мунча мукаммаллаштирилган лойиҳадаги ва планировкаси яхшиланган 37 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қуриш мўлжалланади. Кооператив ва якка тартибда уйлар қуриш бутун чоралар билан ривожлантирилади. Салкам 500 минг оила янги квартиралар ва уйларга кўчиб киради.

**Коммунал хўжаликни** ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағлар кўпайтирилади. Туямўйин сув омборидан Нукус ва Урганч шаҳарларига сув келтирадиган катта-катта қувурлар қурилишини жадаллаштириш тадбирлари амалга оширилади, Дамхўжа—Бухоро водопроводини қуриш мўлжалланади, бу эса Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва Навоий областларини сув билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

Республика Госплани, Давлат агросаноат комитети, Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш бутун проблемасини комплекс ҳолда зудлик билан кўриб чиқишлари ва тегишли таклифларни тайёрлашлари зарур. Биз бу масаланинг республика учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, СССР Министрлар Советидан Госпланга, бошқа Иттифоқ органларига шаҳарлар ва қишлоқларда водопроводлар ва канализация тармоқлари қурилишини жадаллаштиришда республикага ёрдам бериш вазифасини топширишни сўраймиз.

**Медицина хизматини** янада яхшилаш ғоят муҳим вазифадир. Беш йиллик мобайнида 23 минг ўринли касалхоналар, 45 минг беморни қабул қиладиган поликлиникаларни фойдаланишга топшириш керак. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш сифатини амалда яхшилаш, касалликлар диагностикаси, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг янги илғор методларини кенгроқ жорий этиш республика соғлиқни сақлаш ходимларининг бурчидир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига, юқумли касалликларнинг олдини олишни бутун чоралар билан кучайтиришга ва уларни камайтиришга, аҳолини ҳар йили диспансер кўригидан навбатма-навбат ўтказа бошлашга катта эътибор берилиши керак. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши, соғлом ва ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш учун янада қатъият билан кураш олиб бориш зарур.

Физкультура ва спортни ривожлантиришга оид тадбирлар белгиланди. Санаторий-курорт муассасалари тармоғини ривожлантириш давом эттирилади.

**Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш** билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Мазкур программани рўёбга чиқариш Ўзбекистон учун фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир. Беш йиллик давомида мактаб ёшидаги болалар сони 970 мингта кўпайиб, қарийб 5 миллион кишига етади. 900 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар ва 320 минг ўринли болалар боғчалари қурилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 700 минг мутахассис тайёрлаш мўлжалланмоқда. Олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқитиш сифатини яхшилашни таъминлаш — республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг бош вазифасидир.

Ҳунар-техника билим юртларида оммавий касбдаги кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилади. Бевосита корхоналарнинг ўзида кадрларни ўқитиш ишларини кучайтириш зарур. Беш йиллик мобайнида корхоналарда 1 миллион 300 мингдан ортиқ ишчи тайёрланади. Бироқ, раҳбарлари бу иш билан чинакамига шуғулланмаётган, ўқув-курс комбинатларини ташкил этмаётган катта корхоналар ҳали анчагина. Меҳнат давлат комитети (М. А. Зоидов), Ҳунар-техника таълими давлат комитети (П. Қ. Қаюмов), тармоқ министрликлари ва идоралари, бирлашмалар ва корхоналар катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ана шу масалаларни кўриб чиқишлари ва ҳал этишлари лозим.

**Атроф муҳитни муҳофаза қилишга** оид тадбирлар комплексини амалга ошириш керак. Ўн иккинчи беш йилликда ана шу мақсадларга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Делегат ўртоқлар!

Бугун съезд минбаридан туриб Министрлар Совети, унинг Президиуми республика олдида турган хўжалик-сиёсий вазифаларни амалга оширишда зарур принципиаллик ва талабчанлик кўрсатмаганликларини, илмий-техника ва ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишнинг самарали йўлларини етарли даражада зўр ғайрат билан қидириб топмаганликларини, иқтисодий ҳаётдаги нохуш ҳолатлар ва салбий тенденцияларга, давлат ва ижро интизоми бузилишларига қарши курашда қатъий позицияда турмаганликларини ошкора, партиявий нуқтаи назардан айтиш зарур.

Марказий Комитетнинг партия съездига ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида совет ва хўжалик органлари шаънига ҳаққоний танқидий фикрлар айтилди. Биз республика ҳукумати, унинг аппарати иш услуби ва методлари ўсган талабларга тўла даражада жавоб бермаётганлигини яхши англаймиз. Камчиликлар тўғрисида гапириб, мен Министрлар Советининг Раиси сифатида Президиум, Раис ўринбосарлари, министрлар, давлат комитетларининг раислари ва идораларнинг раҳбарлари республика экономикасини ривожлантиришнинг туб проблемаларини ҳал этиш соҳасида собитқадам иш юритишларига ҳали эриша олмаганлигимни айтишим керак.

Партиянинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлида халқ хўжалиги комплексини бошқаришни тубдан такомиллаштириш проблемалари биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилмоқда. Ҳукумат экономиканинг барча тармоқларини балансли ва комплекс ривожлантиришни таъминлаш масалаларини зўр ғайрат билан ҳал этиши, бошқариш структурасини, планлаштиришни ва хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини яхшилаш соҳасида кўпгина ишларни амалга ошириши керак.

Олдимизда ҳамма тармоқларда молия хўжалигини тубдан соғломлаштириш вазифаси турибди. Биз давлат план интизомига риоя этиш масалаларини илгаригига қараганда анча талабчанлик билан кўриб чиқишимиз, одамларни ҳар бир иш жойида халқ мулкига авайлаб муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашимиз лозим.

Экономикани соғломлаштириш учун масъулиятни ошириш мақсадида бошқарувнинг юқори поғоналарида олиб борилаётган иш иложи борича тезроқ бошланғич ишлаб чиқариш коллективларини қамраб олиши ҳозирги вақтда, айниқса, муҳимдир.

«Сиёсат экономиканинг мужассам ифодасидир», деган машҳур ленинча қоида нуқтаи назаридан қараганда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида яхши натижаларга эришилган тақдирдагина бизнинг фаолиятимизга ижобий баҳо бериш мумкин. Серунум меҳнатни, инсон омилини — ишга ижодий ёндашишни, коллективнинг ҳар бир аъзоси планлар ва социалистик мажбуриятлар бажарилиши учун шахсий масъулиятни англашини таъминловчи иқтисодий омиллардан янада самарали фойдаланиш зарур.

Ўртоқлар! СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси меҳнат коллективларида кенг кўламда муҳокама қилинганлиги республика меҳнаткашлари партиянинг янги йўлини, келгуси йиллар учун партия ўртага қўяётган кенг кўламдаги вазифаларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигининг, барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашганлигининг ёрқин намойиши бўлди.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари партиянинг съездолди ҳужжатларини якдиллик билан маъқуллаб, коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажариш учун ўзларининг бутун билим, куч ва тажрибаларини сарфлайдилар.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

савдо ва умумий овқатланишни ташкил этишдаги камчиликлар секинлик билан бартараф этилмоқда. Товар ресурсларини кўпайтириш ва уларни товар оборотига жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Жойлардаги баъзи партия ва совет органлари матлубот кооперацияси ташкилотлари ҳамда корхоналарининг фаолиятига ҳамиша ҳам эътибор бераётганлари йўқ, топширилган ишнинг бажарилиши учун уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан тегишли талабчанлик қилмаяптилар, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, меҳнат коллективларида сиёсий ҳамда тарбиявий ишни яхшилаш масалалари билан етарлича шуғулланмаяптилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, бошқа моллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини мумкин қадар кўпроқ қондиришни Центросоюзнинг, республика, ўлка ва область матлубот союзларининг бош вазифаси, деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг куч-ғайратларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини харид қилиш ҳамда қайта ишлашни кўпайтиришга қаратиш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш соҳасидаги ишларни активлик ва қатъият билан олиб бориш, қишлоқни социал-маданий жиҳатдан қайта қуришга бутун чоралар билан кўмаклашиш зарур. Матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланиши, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва илғор тажриба уларнинг иш практикасига кенг жорий этилиши таъминлансин.

Ички кооператив демократиясини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, матлубот кооперациясининг ишларини бошқаришда пайчиларнинг роли ва активлигини ошириш, матлубот кооперацияси системасида вакиллар группаларининг, ревизия комиссияларининг, бошқариш ва контрол қилиш бошқа органларининг ишини яхшилашга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш керак. Ходимларни социалистик мулкка нисбатан тежамкорлик ва омилкорлик билан муносабатда бўлиш, хўжасизлик, растрата ва ўғирлик, порахўрлик, меҳнат интизомини, савдо қоидаларини бузиш фактларига ҳамда бошқа салбий ҳолатларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг фаолиятига раҳбарлик даражасини ошириш, уларга моддий-техника базасини ривожлантиришда, қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни янада яхшилашда зарур ёрдам бериб туриш таклиф қилинди.

Центросоюз билан иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг ўн иккинчи беш йилликда матлубот кооперацияси ташкилотларининг аҳолидан гўшт ва гўшт маҳсулотлари харид қилишини 22 процент, картошка харид қилишини 15 процент, сабзавотни 35 процент, мевани 55 процент ва ўсимлик ёғини 27 процент, матлубот кооперацияси корхоналарида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 41 процент, консервалар ишлаб чиқаришни 26 процент ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришни 47 процент кўпайтириш тўғрисидаги, шунингдек кооператив савдосининг чакана товар обороти ҳажмини 22 процент ошириш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди. Бу топшириқларни энг кам топшириқлар, деб билиш керак. Йиллик планларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида Центросоюз ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари товар ресурсларини кўпайтириш учун матлубот кооперациясининг имкониятларидан яна ҳам тўлиқроқ фойдаланишни кўзда тутишлари зарур. Матлубот кооперациясида магазинларни, умумий овқатланиш корхоналарини, умумий товар омборларини, мол тақсимлаш музхоналарини, картошка, сабзавот ва мева омборларини, нон ёпиш корхоналарини, ёғоч-тахта ва бинокорлик материалларини сотувчи магазинлар (базалар)ни, маҳсулотларни тайёрловчи ва қабул қилувчи универсал пунктлар ҳамда автомобилларга бензин қуювчи кичик станцияларни ишга тушириш юзасидан 1986—1990 йилларга мўлжалланган топшириқлар ҳам белгиланди.

Центросоюзга, республика, ўлка ва область матлубот союзларига ўн иккинчи беш йилликда матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг савдо, тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди. Мана шу тадбирларда: савдони ташкил этишни тубдан яхшилаш; умумий овқатланиш корхоналарини жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини харид қилишни; ёрдамчи хўжаликларда гўшт ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, халқ истеъмол моллари тайёрланадиган ишлаб чиқариш қувватларини ошириш; шаҳарларда ва саноат марказларида гўшт, колбаса маҳсулотлари ва дудланган маҳсулотлар, гўшт масаллиқлари, сабзавот, картошка, мева, асал, ёввойи мева, резавор, қўзиқорин ҳамда шартномага мувофиқ нархларда харид этиладиган бошқа маҳсулотлар кооператив савдосини кенгайтириш; матлубот кооперацияси корхоналари ишини комплекс рационализациялаш, илғор технологияни, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилиш, моддий, меҳнат ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш кўзда тутилиши керак.

1986 — 1990 йилларда матлубот кооперацияси қурилиш ҳамда ремонт ташкилотларининг қувватлари ривожлантирилишини ва уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминлаш ҳамда корхоналарни қуриш, реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш борасида улар бажарадиган ишлар ҳажмини ошириш кўзда тутилди. Матлубот кооперацияси объектлари қурилишида пудрат ишларини бажаришга оид топшириқлар ҳам назарда тутилади.

Қарор 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган планларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида СССР Госплани зиммасига иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига матлубот кооперацияси ташкилотлари ҳамда корхоналари учун юк автомобиллари ва кам тонналли автомобиллар ажратилишини кўзда тутиш мажбуриятини юклайди.

СССР Госснабига 1986 — 1990 йилларда Центросоюзга озиқ-овқат ва нон ёпиш саноати корхоналари ҳамда ноозиқ-овқат моллар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун зарур технология ускуналари ҳамда юк кўтариш-транспорт машина ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек бензин қуювчи кўчма станциялар ажратиб берилишини таъминлаш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига умумий фойдаланишдаги автотранспорт ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини харид қилиш юзасидан матлубот кооперацияси ташкилотлари учун белгиланган планларга мувофиқ улар аҳолидан, колхоз ва совхозлардан харид қиладиган маҳсулотларни ташиб олиш юзасидан топшириқларни кўзда тутиши тавсия этилди.

Қарорда гўшт ва гўшт маҳсулотлари республикалараро кооператив савдоси умумиттифоқ фондини тузиш кўзда тутилган ҳамда бу фондни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланган.

Иттифоқдош республикалар матлубот союзларининг правлениеларига матлубот кооперацияси корхоналари шартномага мувофиқ нархларда аҳолидан, колхоз ва совхозлардан харид қиладиган ва бу маҳсулотларга белгиланган тартибда тасдиқланган стандартлар ёки техник шартлар мавжуд бўлмаган тақдирда кооператив савдода реализация қилинадиган хом ашёдан ишлаб чиқарадиган озиқ-овқат маҳсулотларни тайёрлашга техник ҳужжатларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилди.

1986 йилдан бошлаб матлубот кооперациясининг ташкилотлари ва корхоналари маҳаллий ва иккиламчи хом ашёдан тайёрланган, шу маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасидан қатъи назар халқ истеъмол қиладиган ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилишдан олинган фойдадан бюджетга даромад солиғи тўлашдан озод қилинадилар, улар бўшаган маблағлардан мазкур моллар ишлаб чиқариш учун моддий-техника базасини кенгайтиришда фойдаланадилар.

СССР Молия министрлигига ва СССР Нархлар давлат комитетига 1986 йилнинг 1 январидан бошлаб Центросоюз билан келишган ҳолда матлубот кооперациясининг чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари реализация қиладиган халқ истеъмол молларининг баъзи турларига савдо чегиртмалари миқдорини ошириш, шунингдек 1986 йил 1 январидан матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналари учун мол-мулкни ихтиёрий равишда страхование қилиш бўйича тўловларнинг ставкаларини камайтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш таклиф қилинди. Бошқа имтиёзлар ҳам кўзда тутилган.

Центросоюзнинг:

Зарур бўлиб қолган ҳолларда ишлаб чиқариш объектлари қурилиш учун кўзда тутилган ва марказлаштирилган тартибда моддий-техника ресурслари билан таъминланган қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг 10 процентигача миқдордаги капитал маблағларни уй-жойлар, коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи объектларига сарфлаш тўғрисидаги;

Матлубот кооперациясининг қишлоқ жойлардаги ташкилотлари ва корхоналарига доимий ишлаш учун юбориладиган олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган ёш мутахассисларни ва ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан кишиларни (шу жойларнинг ўзида уй-жой фонди етишмаган тақдирда) гражданлардан ижарага олинган уй-жой бинолари билан таъминлаш, матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналари ҳисобидан квартира ҳақини ставкаларга қўшиб тўлаш тўғрисидаги;

Матлубот кооперацияси ташкилотлари ҳамда корхоналарининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари ўз лавозимларида камида икки йил иш стажига эга бўлганлари тақдирда ана шу кишиларни (мазкур ташкилотлар ва корхоналарнинг йўлланмалари билан) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш учун матлубот кооперациясининг ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йилликда ўрта мактабларни битириб чиққан комсомол ва ёшлардан юз минг кишини матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарида ишлаш учун юбориш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига матлубот кооперацияси ташкилотлари ҳамда корхоналари коллективларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларга оид масалаларга эътиборни кучайтириш, план топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилиши учун шу коллективлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш топширилди. Мазкур коллективларнинг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик яхшилансин, матлубот кооперацияси ходимларини улар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда бошланғич партия ташкилотларига ёрдам берилсин.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети матлубот кооперациясининг ходимлари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимий мададида ушбу қарорда белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўрадилар, қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлигини юксалтириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш ишига салмоқли ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

